



АГЗАМОВА Мухаббатхон Миртохировна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиши ICESCO кафедраси мудири,
доцент в.б., PhD

m.agzamova@iia.uz
ag.muhabbat@mail.ru

ИСЛОМ ДИНИНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИДА ТИНЧЛИК МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

ОСВЕЩЕНИЕ ВОПРОСА МИРА В ОСНОВНЫХ ИСТОЧНИКАХ ИСЛАМА

ELUCIDATION OF THE ISSUE OF PEACE IN THE MAIN SOURCES OF ISLAM

Аннотация: Мақолада ислом динининг асосий манбалари бўлган Қуръон ва ҳадисда келган тинчлик ва ҳамжиҳатликни баёни ўрганилиб, бутун инсоният учун муҳим ҳисобланган тинчлик ва адолатга чақириш, газаб, нафрат, душманлик, бузуқлик ва шафқатсизлик каби иллатлардан холи бўлиш асосий мақсад эканлиги баён этилган. Тинчлик – ҳаётнинг ҳам, ислом динининг ҳам моҳияти ва зарурати. Тинчлик Аллоҳ таоло бутун инсониятга инъом этган энг улуғ неъматдир. Ислам дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош гоёси ва муҳим шиорига айлантириб, тинчликни асраб-авайлаш ва барқарорликни таъминлаш йўлида инсонлар ҳамжиҳатлик ва бирдамлик билан ҳаракат қилиш ва ўзаро адоватга барҳам бериши лозимлиги баён этилган.

Калит сўзлар: Диний бағрикенглик, тинчлик, адолат, тотувлик, неъмат, ислом манбалари, аҳиллик, дунёқараш, ишонч, осойишталикб фаровонлик.

Аннотация: В статье рассматриваются утверждения о мире и согласии в Коране и хадисах, которые являются основными источниками ислама, и утверждается, что основной целью является

призыв к миру и справедливости, что считается важным для всего человечества, и быть свободным от таких пороков, как гнев, ненависть, вражда, коррупция и жестокость. Мир – это суть и необходимость как жизни, так и ислама. Мир – это величайшее благословение, которое Бог дал всему человечеству. Ислам превратил концепцию мира в свою главную идею и важный девиз, и утверждается, что люди должны действовать солидарно и солидарно и положить конец взаимной вражде, чтобы сохранить мир и обеспечить стабильность.

Ключевые слова: Религиозная толерантность, мир, справедливость, согласие, благословение, истоки ислама, согласие, мировоззрение, доверие, мир и процветание.

Annotation: The article discusses the statements about peace and harmony in the Quran and Hadith, which are the main sources of Islam, and argues that the main purpose is to call for peace and justice, which is considered important for all mankind, and to be free from vices such as anger, hatred, enmity, corruption and cruelty. Peace is the essence and necessity of both life and Islam. Peace is the greatest blessing that God has given to all mankind. Islam has made the concept of peace its main idea and an important motto, and it is argued that people should act in solidarity and solidarity and put an end to mutual enmity in order to maintain peace and ensure stability.

Keywords: Religious tolerance, peace, justice, harmony, blessing, sources of Islam, harmony, worldview, trust, peace and prosperity.

КИРИШ

Ислам манбаларида тинчлик кўп қиррали бўлиб, инсонлар ўртасида раҳм-шафқат, адолат ва яратувчанликни қўллаб-қувватлайди. Тинчлик жамият ва инсонлар учун осойишталик ва хавфсизлик манбаи бўлиб, одамлар ўртасида ўзаро тинчлик ва ишонч бўлса, жамият бахтли ҳаёт кечиради. Барча халқларнинг бирдамлик ва тотувлигини англатувчи тинчлик сўзи кенг маънога эга бўлиб, ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва бағрикенглик асосида яратилган муҳит деган маънони англатади. Тинчлик асосида турли маданият, дунёқараш ва турмиш тарзига эга бўлган одамлар, турфа жамиятлар баҳамжиҳат яшаши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида тинчлик ва барқарорликни асраш, унга путур етказадиган

иллатларни бартараф этиш ҳар бир даврнинг долзарб масаласи эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтдилар. “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир” [1:1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Тинчлик сўзи кечиримлилик, зўравонликдан сақланиш, вазминлик, меҳрибонлик, бағрикенглик, низоларни ҳал қилиш, одил ҳакамлик ва жоҳиллар билан оқилона суҳбатлашиш маъноларида қўлланиладиган кенг қамровли тушунча бўлиб [4:51], барча самовий динларда тинчлик масаласи ўзига хос ўринга эга. Барча илоҳий динларнинг мақсади инсонларнинг икки дунё саодати ва фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлиб, юборилган барча пайғамбарлар тинчликка эришиш учун ҳаракат қилганлар. Дин одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади [3:30-31]. Жаҳон динларидан ҳисобланган ислом динида тинчлик мавзуси алоҳида эътибор берилган бўлиб, Ислом сўзи арабча “مسلم” ўзагидан олинган бўлиб, “итоат этиш”, “таслим бўлиш”, “бўйсунуш” маъносида, яъни “Ўзиданда қудрат, улуғлик ва ҳикмат борасида қувватлироқ бўлган томонга таслим бўлиш, итоат қилиш ва бўйсунуш” маъноларини ифода этади. Бу сўзнинг одатий қўлланилиши фақат “ҳақиқат ва адолатга риоя қилиш” деган маънони англатади. Ёвузлик ва ёмонликка бўйсунуш шаклида бўйсунуш исломга зиддир ва исён ҳисобланади.

Дастлабки тилшунослардан бири бўлган Ибн Қутайба бу сўзни “тоат ва ихтиёрий равишда итоат қилиш орқали тинчлик муҳитига кириш”, деб изоҳлаган. Ибн Манзурни эса “таслим бўлиш ва итоат қилиш” деб, кейинги манбаларда “тинчлик ва хавфсизлик мақсадида тобе ва таслим бўлиш” маъносида изоҳланган. Бу сўзнинг одатий қўлланилиши фақат “ҳақиқат

ва адолатга риоя қилиш” деган маъносини англатади [8:1].

Қуръони каримда “ислом” сўзи “имон” ва “дин” сўзига яқин маънода саккиз ўринда зикр қилинган. Хусусан, “Аллоҳга юзланиш” (масалан, “Бақара” 2/112; “Луқмон” 31/22), “Унга таслим бўлиш” (“Бақара” 2/131), “Бирлик эътиқодига эга бўлиш” (“Анбиё” 21/108), “Аллоҳга таслим бўлиш учун зарур бўлган ишларни қилиш” (“Зумар” 39/54), исломнинг мусулмонлар учун дин сифатида маъқулланиши, ҳидоятга эришишда Аллоҳ таолонинг ёрдами энг олий даражаси сифатида таърифланиши (“Моид” 5/3), “ҳаниф” ва “мусулмон” сифатларининг ёнма-ён синоними сифатида (“Оли Имрон” 3/67) қўлланилганлигини кўришимиз мумкин.

“سلم” сўзи ислом билан бир илдиздан олинган бўлиб, бу “хавфсизлик”, “тинчлик”, “осойишталик” ва “нажот” маъноларини билдиради. Шу сабабдан исломда бирор киши бошқа кимсага дуч келса, унга яхшилик ва омонлик тилаб салом бериши диннинг асл моҳияти сифатида изоҳланади. Исломда одамлар бир-бирлари билан учрашганларида саломлашишлари “Мендан сизга ҳеч қандай зарар етмаганидек омон бўлинглар” деган маънони ифодалайди. Яъни, тинчлик ва фаровонлик маъносини англатувчи “سلام” – “Салом” сўзи “سلم” сўзи илдиздан келиб чиққан. Салом бериш орқали салом бераётган киши бошқа одамга ишонч, тинчлик ва фаровонлик тилайди ва ундан ҳеч қандай зарар келмаслигини билдиради.

Қуръони каримда “سلم” ўзагидан олинган сўзлар иштирокида инсониятни тинчликни даъват этувчи ۱۵۰ га яқин оят мавжуд бўлиб, тўғридан-тўғри тинчлик маъносини англатувчи “صلح” ўзагидан олинган ۱۸۰ га яқин оят бор. Ушбу оятларда умумий тинчлик инсоният учун фойдали эканлиги, бузғунчиликни олдини олиш, тартибни таъминлаш каби масалалар баён этилиб, тартибни таъминлаш, жон ва мулк хавфсизлиги, ҳуқуқ ва адолатни таъминлаш, одамлар ўртасидаги муросасизликка барҳам бериш, ўзаро адоватга йўл қўймасликка чақирилган.

Қуръони каримда аввало динга зўрлаб киритиш ғояси рад этилади. Бу эса, тинчлик ва миллатлараро тотувликнинг ўзагидир. Динга

зўрлаб киритишнинг рад этилиши ислом динининг эркин ва маърифатга асосланган дин эканлигини кўрсатади. “Бақара” сурасининг 256-ояти шундай нозил бўлган: “Динда зўрлаш йўк, зеро, тўғри йўл – янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтон(ёхуд бутлар)ни инкор этиб, Аллоҳга иймон келтирса, у мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир” [2:42]. Демак бу ўринда шундай фикрлар илгари сурилади: “Динга зўрлаб киритиш йўк”, яъни иймон келтириш ёки келтирмаслик кишининг ихтиёрий ишидир.

Қуръони карим ирк, насаб ва ватанидан қатъи назар инсон қавмининг бир эканини алоҳида эътироф этилган: “Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Момо Ҳаво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турлитуман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз такводорроғингиздир” [2:517]. “Инсон” сўзи Қуръони карим оятларида жуда кўп зикр қилинади. Уларда бу иборанинг ўзи ёки одамлар, эркак, аёл, нафс каби бошқа сўзлар билан бирга келади.

Ислом тинчлик динидир. У ҳар қандай ёвузлик, шафқатсизлик, терроризм, экстремизмнинг барча турларини қатъий ман қилган. У эзгуликка, гўзалликка, саховатга, ҳамкорликка даъват этган. Аллоҳ таоло айтади: “Ей одамлар! Албатта, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик. Ва бир-бирингиз билан танишишингиз учун сизларни қабила ва қабилаларга ажратдик. Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздида энг азизингиз Ундан кўпроқ кўрққанингиздир. Албатта, Аллоҳ ўта билгувчи ва огоҳдир” (Хужурот сураси, 13-оят). Бу оятда Қуръони Карим бир ота-онадан насл бўлган инсоният ер юзига тарқалиб, бир-бирлари билан учрашиб, мулоқот қилишлари ва кўпчилик бўлиб яшашлари таъкидланади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида тинчлик дини – Исломни инсонларга нотўғри талқин қилаётган гуруҳлар унга туҳмат тошлари отилишига сабаб бўлишмоқда. Дин ниқоби остида фаолият юритаётган оқимлар, партия ва ташкилотлар муқаддас динимиз ва миллий кадриятларимизга катта зарар келтирмоқда [4:41].

Ислом дини барча динлар ва миллат вакиллари билан тинчлик ва сулҳда, ҳатто урушдан сўнг асир тушганларнинг ҳам обрўси, моли ва жонини ҳимоя қилишга буюради. Бу ҳақда, Аллоҳ таоло: “Сизлар аҳли китоблар билан фақат чиройли услубда мунозара қилингиз” [2:402] – деб буюради.

Тинчлик ва осойишталикнинг тескарисини бўлган нифоқ ва бузуқликка динимиз тоқат қилмайди. Хусусан, Қуръони каримда “Аъроф” сураси 56-оятда тинчликка тескарисини бўлган бузғунчилик қилмасликка чақирилади. Аллоҳ таоло бандаларини ўзаро иттифоқликда, аҳилликда, тинчлик-омонликда яшашга даъват этиб: “Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро уришиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз!” [2:516] – деб буюрилади.

Қуръони Каримнинг ҳеч бир жойида зўравонликни оқлаш ёки рағбатлантиришни кўрмаймиз. Қуръони Каримда тинчлик, эътиқод ва виждон эркинлиги, фикр эркинлигига катта аҳамият берилиб, буни кафолатлайдиган асосий тамойил сифатида келтирилади.

Ислом тарихидаги тинчликнинг илк намуналари ҳижратдан кейин дарҳол намоён бўлади. Муҳаммад (с.а.в.) Мадинага келганларида, Мадинада мусулмонлар ва яҳудийлар ўртасида бирга яшаш шартларини белгилаб берувчи Мадина саҳифаси яъни Конституцияси деб номланган матнни тайёрлади. Бу матн Мадинада тинчликни таъминловчи келишув эди. Муҳаммад (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилганида Авс ва Ҳазраж қабилаларини яраштириб, улар ўртасидаги асрий қон адоватига барҳам бердилар.

Муҳаммад (с.а.в.) инсонларнинг қадри бойлиги, ижтимоий мавқе, кучи билан эмас, балки гўзал ахлоқи, тақвоси билан белгиланишини алоҳида таъкид қилганлар. Инсонлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ислоҳ қилишга, ўзаро келишмовчилик ва низолашган инсонларни келишмовчиликларини ҳал қилишда ёрдам беришга чақирдилар. Ҳаттоки бу ҳулқнинг намоз ва рўзадан фазилатлироқ эканлигини куйидаги сўзлар билан таъкидлаган эдилар: Абу Дардо (р.а.) дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: “Сизларга рўза, намоз ва закотнинг даражасидан ҳам баландроқ бўлган нарсани билдирайми? Айтинг эй Расулulloҳ дейишди.

У Зот одамлар орасини яраштириш дедилар. Чунки, одамлар орасидаги бузгунчилик динни илдизини йўқ қилади, – дедилар (Имом Аҳмад, Термизий, Абу Довуд ривояти) [7: 27508].

Пайғамбар (с.а.в.) ҳамиша инсонларни ўзаро ҳамжиҳатликка чақирганлар. Хусусан, Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: “Қўли ва тили билан мусулмонларга озор бермаган киши ҳақиқий мусулмондир” [5:6484] – деб мусулмон ўз қўли ва тилига эҳтиёт бўлиши алоҳида таъкидланган (Имом Бухорий ривояти). Яна бошқа бир ҳадисда пайғамбар (с.а.в.) бирор жонга зарар беришдан, жонига қасд қилишдан қайтарганлар “Набий (с.а.в.): “Ким аҳдномаси бор (ғайридин) бир кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Албатта унинг ҳиди, қирқ йиллик масофадан сезилиб туради” [6:3166] – дедилар” (Бухорий, Термизий ривояти).

Ислom динида тинчликка бўлган эътибори нечоғлик катта бўлиши билан бир қаторда бағрикенглик унинг негизи ҳисобланади. Ислom инсонларни аҳил, тинч-тотув бўлиб яшашга буюриб, ер юзида бузгунчилик қилишдан қайтаради. Тинчлик инсониятнинг умумий мақсади бўлиб, шу орқали тараққиётга ва фаровон ҳаётга эришилади.

ХУЛОСА

Ислom шариатининг асоси – жон, мол, дин, ақл ва наслни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бу масалалар фақат тинчлик бўлгандагина таъминланиши мумкин. Тинчлик Аллоҳ таоло бутун инсониятга инъом этган энг улуғ неъматдир. Ислom дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош ғояси ва муҳим шиорига айлантиргани ҳам бежиз эмас. Бу дин кишиларни тинчликни асраб-авайлаш ва барқарорликни таъминлаш йўлида имон, инсоф, адолат, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик билан ҳаракат қилишга, фитна ва ўзаро адоватга барҳам беришга чақиради. Ҳақиқий диний эътиқод дунёвий тараққиёт ва дунёвий маърифатга зид бўлмаганидек, дунёвийлик ҳам даҳрийлик эмас. Қуръони карим ва ҳадисларда қанчадан-қанча дунёвий масалалар ёритилган. Зеро, ҳамма нарса инсон учундир, барча таълимотлар инсон камолоти, инсон қалби, хоҳиш-орзуларига хизмат қилиши асосий мезон

сифатида изоҳланади. Шу нуқтаи назардан, Ер юзида ҳаётни асраб қолиш, инсоннинг тинч, эркин ва фаровон яшashi йўлида турли дин, миллат ва элат вакиллари, маданиятлар ва цивилизациялар ўзаро мулоқотга киришадиган ҳозирги даврда, дин ва дунёвий давлатчилик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш жаҳон халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Мамлакат ривожига иштиқболли вазифалар (Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатнома). /<https://kun.uz/99444746>
2. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: ТИУ, 2009. – 617 б.
3. Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази. – Тошкент. 2001, – 230 б.
4. Ислom динида тинчлик. Масъул муҳаррир Ш. Зиёдов. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 2023. – 112 б.
5. <https://dorar.net/hadith/sharh/7256>.
6. <https://hadeethenc.com/ar/browse/hadith/64637>
7. <https://hadithprophet.com/hadith-30826.html>
8. <https://islamansiklopedisi.org.tr/islam>